**ШАРТНОМА №133**

23.11.2022 йил . Гулистон шахри.

Кейинги ўринларда *“Буюртмачи”* деб юритиладиган “Сирдарё минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” давлат унитар корхонаси номидан Низоми асосида иш кўрувчи директор **З.Базаров** бир томондан, матнда кейинги ўринларда *“Бажарувчи”* деб юритиладиган **«ЙЎЛ ЛОЙИҲА БЙУРОСИ» МЧЖ** Устави асосида иш кўрувчи Бош директор в.б. **Ғ. Мухуддинов** иккинчи томондан, ушбу шартномани туздилар.

### I. Шартноманинг мақсади

1.1.**“Бажарувчи”** ушбу шартнома шартларига мувофиқ **Сардоба туман Халкобод МФЙ Ойкор кўчасидаги кўп қаватли 3-5-8-9-10 уйлар йўли лойиха-смета хужжатларини ишлаб чикиш** ишларини бажариш мажбуриятини олади. **“Буюртмачи”** эса **“Бажарувчи”**га бажарилиши лозим бўлган ишлар учун ушбу шартномада кўзда тутилган маблағни тўловини амалга ошириш мажбуриятини олади.

### II. Шартноманинг баҳоси ва хисоб китоб тартиби

2.1. “Сирдарё вилояти минтақавий йўлларга буюрмачи хизмати” ДУК харид комиссиясининг 2022 йил 19 ноябрдаги № 22110012187104-сонли баённомасига асосан бажарилиши лозим бўлган ишлар қиймати ( ҚҚС ва барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда)га асосан жорий нархларда **ҚҚС билан 4 000 000 (тўрт миллион** сўмни ташкил этади.

2.2. Шартнома томонлар ўртасида имзоланиб, манзиллик рўйхати тасдикланиб молиялаштирладиган маблағи аниқлангандан сўнг тегишли Ғазначилик тизимидан (Узазбо дастури) рўйҳатдан ўтиб, маблағ Республика ёки махаллий бюджетдан **“ Буюртмачи ”** махсус хисобига туширилганидан сўнг, 10 банк иш кунида **“Буюртмачи”** томонидан бажариладиган ишлар қийматининг аванс (бўнак) тариқасида 30 % келишилган сумма **“Бажарувчи”**нинг хисоб рақамига ўтказиб беради.

2.3. Маблағнинг қолган қисми Республика ёки махаллий бюджетдан **“ Буюртмачи ”** махсус хисобига туширилганидан сўнг, **“Бажарувчи”** томонидан топширилган бажарилган ишлар далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида 30 банк иш кунида ўтказиб беради.

2.4. **“Бажарувчи”** томонидан иш тўлиқ бажариб топширилиб, қабул қилиш-топшириш далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар 2022 йилнинг 31 декабр кунига кадар **“Буюртмачи”** га топширилиши шарт хисобланади. Курсатилган муддатда **“Бажарувчи”** томонидан бажарилган ишлар топширилиши таъминланмаган такдирда, бажарилган ишлар юзасидан **“Буюртмачи”** томонидан молиялаштирилиш масаласи кайта куриб чикилади.

2.5. Бажарилган ишлар учун тўловлар **“Буюртмачи”** томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

### III. Томонлар мажбуриятлари.

3.1. Буюртмачи барча ишлар бажарилиб бўлингандан кейин белгиланган нархнинг ҳаммасини Бажарувчи тўлаши ёки ишларининг айрим босқичлари тугатилганидан кейин нархнинг тегишли кисмини тўлаши, тайёрланган лойиҳа-смета хужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан қўзғатилган даво юзасидан ишда қатнашишига Бажарувчини жалб қилиши шарт.

3.2. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган бирламчи маълумотларни (нуксонлар қайдномаси ёки ижро ҳужжатлари, тегишли идоралар ва ташкилотлар билан келишилган холда) тақдим қилади.

3.3. Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бирламчи маълумотларни 10 (ўн) иш куни мобойнида ўрганиб чиқиши ҳамда берилган маълумотларда камчиликлар аниқланса Буюртмачига маълум қилишни ўз зиммасига олади.

Агар Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бирламчи малумотларда аниқланган камчиликларни, 10 (ўн) иш куни муддат ичида Буюртмачига маълум қилмаса, маълумотлар қабул қилинган деб хисобланади ва бундай холат Бажарувчи ишларини бажариш муддатини ўзгартиришга асос бўла олмайди.

3.4. Бажарувчи лойиҳа-смета ишларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа-смета хужжатлари ва бажарилган қидирув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Агар лойиҳа-смета хужжатлари ёрдамчи ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган бўлса камчиликлар аниқланган тақдирда ёрдамчи ташкилот ишлаб чиқилган лойиҳа-смета хужжатлари учун тўлиқ жавоб беради ва Буюртмачининг талаби билан лойиҳа-смета хужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиш ва шунга мувофиқ зарур қўшимча ишларни бажариши шарт.

3.5. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ўз вақтида ўтказилмаган холда ёки дастлабки маълумотларни тақдим қилиш кечиктирилганда ишларни тугаллаш муддати тўлов ёхуд тақдим кечиктирилган вактга қадар узайтирилади.

3.6. Лойиҳанинг асосий ечимларини буюртмачи билан биргаликда тегишли идоралар ва ташкилотлар билан келишилади.

3.7. Лойиҳада назарда тутилган объектда (Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирлилги ва Транспорт вазирликлари томонидан ишлаб чиқилган Вақтинчалик йўриқномага асосан) Лойиҳачи ташкилот сифатида белгиланган тартибда муаллифлик назоратини обиб боради.

## IV. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби.

4.1. Лойиҳа-смета хужжатлари ишлари бажарилишининг алоҳида боскичи ва шартнома бўйича белгиланган жами ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи Буюртмачига ишларни топшириш - қабул килиш далолатномаси билан лойиҳалаш учун топшириқда кўзда тутилган ҳужжатлар тўпламини топширади.

4.2. Буюртмачи ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси ва мазкур шартноманинг 4.1- бандида кўрсатилган ҳисобот ҳужжатларини олгандан сўнг 10 (ўн) кун мобайнида ишларни қабул қилиш ва Бажарувчига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликнинг асосланган рад жавобини юборишни ўз зиммасига олади.

Агар Буюртмачи ишларни қабул қилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун муддат ичида Бажарувчига камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул қилинган ҳисобланади ва бундай ҳолатда Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини Бажарувчига қайтариши шарт.

4.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар лойиҳа-смета хужжатлари ишларини бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун мобайнида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт.

4.5. Лозим топилган ҳолларда томонлар холис экспертларга лойиҳа-смета хужжатлари бўйича хулоса учун мурожат қилиши мумкин.

## V. Конфиденциал маълумотларни ҳимоялаш.

5.1. Лойиҳа-смета хужжатлари ишларининг бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиққан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

## VI. Низоларни хал этиш.

6.1. Шартнома амал қилиш давомида юзага келадиган низоларни тарафлар ўзаро музокара йўли билан ҳал этади. Музокара натижасида келишувга келинмаган тақдирда низолар тарафлар томонидан Гулистон туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси бериш ва ишни судда кўриб чиқилиши натижасида ҳал қилинади.

## VII. Шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш.

7.1. Мазкур шартномага қўшимча битим кўринишидаги ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда қилинган ҳамда томонлар (ёки томонлар номидан вакиллар) имзолаган ҳолдагина Ғазначиликда рўйхатдан ўтказилганидан кейин юридик кучга эга бўлади.

7.2. Шартнома тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин. Шартнома ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги келишуви ёзма шаклда амалга оширилади. Шартномани бажаришдан бир тарафлама бош тортишга ёки шартноманинг шартларини бир тарафлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

7.3. Бир тараф шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

## VIII. Форс-мажор.

8.1. Форс-мажор вазиятлари пайдо бўлиши муносабати билан мазкур шартномадаги томонлар мажбуриятлари бутунлай бажарилмаса ёки қисман бажарилса, мажбуриятларни бажариш муддатлари бундай вазиятлар таъсир этиши вақтига мутаносиб равишда узайтирилади.

## IX. Қўшимча шартлар.

9.1. Бажарувчи Лойиҳа-смета хужжатлари ишларини муддатидан олдин бажарганида, Буюртмачи уни Шартноманинг 4-бандига асосан қабул қилади ва тўла тўловни амалга оширади.

9.2. Бажарувчи Шартнома шартларини бажариш учун, Шартномада белгиланган муддатларга риоя қилинишини инобатга олган ҳолда ҳамда Буюртмачи билан келишилган холда, ёрдамчи ташкилотларни жалб қилиши мумкин.

9.3. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ва ишларни топширилганда шартлашилган хаќи кечиктирилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

9.4. Бажарувчи томонидан лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ўз вақтида бажарилмай мажбуриятлар бузилган бўлса, Бажарувчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг

бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

9.5. Тўланган пеня тарафларни ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

9.6. Шартнома ўзбек тилида икки нусхада тузилди ва ҳар иккала нусхаси ҳам бир хил юридик кучга эга бўлади.

9.7. Шартнома томонлар имзолаб, худудий Ғазначилик тизимидан (Узазбо дастури) рўйҳатдан ўтган кундан кучга кириб, 2022 йил 31декабргача амал қилади.

## X. Томонларнинг манзили ва ҳисоб рақамлари

**“Буюртмачи”**

**“Сирдарё минтакавий йулларга буюртмачи хизмати давлат унитар корхонаси**

Гулистон ш. Саховат кучаси 1-уй.
Тел/факс: 236-55-16
Ш/Р:301821860244017045201118111
СТИР: 207 252 998

**Директор______________З.Базаров**

**“Бажарувчи”**

**"ЙЎЛ-ЛОЙИҲА БЙУРОСИ" МЧЖ**
Тошкент шахар,
Мустақиллик шоҳ кўчаси, 68-уй,
Тел: 237-38-55, 237-36-69
Ҳ/р: 20208000804010941001
АТИБ “Ипотека-банк” Яшнобод бўлими
МФО: 00959 ИНН: 300 112 785
ОКОНХ: 66000, ОКЭД: 71110

**Бош Директор в.б.__________ Ғ.Мухуддинов**

## Ҳ У Қ У Қ И Й Х У Л О С А .

Ўзаро тузилаётган пудрат шартномасининг шартлари, хусусан, тарафларнинг ҳуқуқлар, мажбуриятлари, кафолатлари, ишларнинг бажариш муддатлари, ҳисоб-китоб ва тўловлар, ишлаб чикариш, форс-мажор, тугалланган қурилиш объектини қабул қилиш холатлари, шартномани бекор қилиш хамда тарафларнинг мулкий жавобгарлик асослари, низоларни ҳал қилиш тартиби ва якуний талаблар Фуқаролик кодексининг 26, 27, 28 ва-37-боблари ҳамда “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонун талабларига мос келади, шартнома тузувчи шахслар шартномани имзолаш ҳуқуқига эга, шартномани имзоласа бўлади деб ҳисоблайман.

**Сирдарё МЙБХ ДУК**

**Бош юрисконсульти:-** **Ф.Х.Усаров**

**ТАСДИҚЛАЙМАН**
**Сирдарё минтақавий йўлларга**
**буюртмачи хизмати ДУК**
**директор ________З.Базаров**

**ТАНЛАШ БАЁННОМАСИ**

"23" 11 2022 йил

Катнашдилар : **Хайъат раиси:**
З.Базаров Директор
**Аъзолари:**
З.Таджикулов Бош мухандис
Ф.Усаров Бош юристконсулт
М.Қултаев Лойиха таьминот бўлими бошлиғи
Ў.Худойбердиев Тендерларни ташкил этиш бўлими
Ш.Таниев Бош хисобчи
А.Абдумуминов Ишлаб чиқариш бўлими бош мутахассис

**КУН ТАРТИБИ**

1. **Yol-loyiha byurosi MCHJ** таклифини ўрганиб чиқиш.
2. **ГУП O`ZYO`LLOYIHA LOYIHA-QIDIRUV INSTITUTI** таклифини ўрганиб чиқиш.
3. **OOO YO L LOYIHA GULISTON** таклифини ўрганиб чиқиш.

Кун тартибида қўйилган масала юзасидан хайъат раиси З.Базаров сўзга чиқиб, йиғилиш қатнашчиларига Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги "Давлат харидлари тўғрисида"ги 684-сонли қонунинг 7-боб 60-моддасининг талабларига мувофик **Сардоба туман Халкобод МФЙ Ойқор кўчасидаги кўп қаватли 3-5-8-9-10 уйлар йўли лойиха ва смета худжжатларини ишлаб чикиш учун** Yol-loyiha byurosi MCHJ,ГУП O`ZYO`LLOYIHA LOYIHA-QIDIRUV INSTITUTI, OOO YO L LOYIHA GULISTONлардан таклифлар электрон шаклда жойлаштирилганлигини маълум килади.
Хайъат аъзолари хамда таклиф берувчиларнинг электрон шаклда жойлаштирилган хужжатлари куриб чикилганда куйидаги таклифлар берилганлиги маълум булди.
1. **Yol-loyiha byurosi MCHJ таклифи 4 000 000 сўм** ва лойиха муддати 30 кун
3. **ГУП O`ZYO`LLOYIHA LOYIHA-QIDIRUV INSTITUTI таклифи 4 078 000 сўм** ва лойиха муддати 30 кун
5. **OOO YO L LOYIHA GULISTON** Дисквалификация қилинди.
Хайъат раиси: (З Базаров) ушбу кўрсатилган таклифни хайъат аъзоларига таништирди.Овозга қўйиш натижасида **Сардоба туман Халкобод МФЙ Ойқор кўчасидаги кўп қаватли 3-5-8-9-10 уйлар йўли лойиха ва смета худжжатларини ишлаб чикиш** буйича **Yol-loyiha byurosi MCHJ** техник жихатдан салохияти юқори бўлганлигини инобатга олиб, ушбу ташкилот билан **4 000 000** сўмга шартнома тузишга қарор қилинди.
Харид комиссияси аъзоларида мазкур лот **22110012187104** иштирокчилари билан аффилланганлик хусусиятига эга алокадорлик мавжуд эмас.
Ўзбекистон Республикасининг "Давлат харидлари тўғрисида"ги Конуннинг (ЎРК-684-сон, 22.04.2021 й.) 23-моддасига кўра, иштирокчи ва унинг аффилланган шахси мазкур лот (лар)да иштирок этмаяпти.
Маълумотлар stat.uz сахифаси оркали текширилди.
Ушбу **22110012187104** сонли лот рақами бўйича Сирдарё МЙХБ ДУК томонидан тасдикланган танлаш баённомаси юзасидан хеч кандай эътироз ёки норозиликлар юзага келмади.
Овозга куйиш натижасида 7 та овоз билан . **Yol-loyiha byurosi MCHJ** ғолиб чиқди.
Юкоридагиларни инобатга олган холда хайъат

**КАРОР КИЛДИ:**

1. **Yol-loyiha byurosi MCHJ,ГУП O`ZYO`LLOYIHA LOYIHA-QIDIRUV INSTITUTI** ташкилотлардан тушган таклифлари эътибога олинсин.
2.Танлов голиби этиб **Yol-loyiha byurosi MCHJ** эълон килинсин ва ушбу ташкилот билан **4 000 000** сўмга шартнома тузилиши мақуллансин.

**Аъзолари:**
З.Таджикулов
Ф.Усаров
М.Қултаев
Ў.Худойбердиев
Ш.Таниев
А.Абдумуминов

| № | Объектларнинг номи ва жойлашган манзили | Қурилиш бошланиши ва тугалланиши йили | Лойиҳавий қуввати, тегишли ўлчов бирликларида км | Таъмирлаш ишларининг пудрат шартномаси тузилган вақтдаги умумий қиймати, шу жумладан буюртмачининг бошқа харажатлари | 01.01.2022 йил ҳолатига таъмирлаш ишларининг қолдиқ қиймати, шу жумладан буюртмачининг харажатлари | 01.01.2022 йил ҳолатига таъмирлаш ишларининг қайта ҳисобланган кейинги қолдиқ қиймати, шу жумладан буюртмачининг харажатлари | 01.01.22 йил ҳолатига таъмирлаш ишларининг қайта ҳисоблашдан кейинги қолдиқ молиялаштириш, шу жумладан буюртмачининг харажатлари | 2022 йил жами капитал қуйилмалар | шу жумладан: Қурилиш- монтаж ишларининг умумий қиймати | шундан: Тупроқ йўлни тошга ўтказиш км | Тупроқ йўлни тошга ўтказиш (минг сўм) | Тош йўлни асфалтга ўтказиш км | Тош йўлни асфалтга ўтказиш (минг сўм) | Цементобетонга ўтказиш км | Цементобетонга ўтказиш (минг сўм) | Бошқа харажатлар (минг сўм) | шундан: Буюртмачи харажатлари (минг сўм) | Лойиҳа ва экспертиза харажатлари (минг сўм) | 2023 йил 1 январ ҳолатига ўтувчи объектлар бўйича қолдиқ қиймати | Тендер савдолари тасдиқланган баённома санаси ва рақами | Экспертиза санаси ва рақами№ | Пудратчи қурилиш ташкилотлари |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 | 21 | 22 | 23 |
| 3 | Анҳор кўчаси | 2022-2022 йил | 0,390 | | | | | 88 703,828 | 83 432,217 | 0,390 | 83 432,217 | | | | | 5 271,611 | 2 753,263 | 2 518,348 | | | | Танлов асосида |
| 4 | Анҳор-1 кўчаси | 2022-2022 йил | 0,180 | | | | | 41 876,209 | 38 834,485 | 0,180 | 38 834,485 | | | | | 3 041,724 | 1 281,538 | 1 760,186 | | | | Танлов асосида |
| 5 | Улкансой-1 кўчаси | 2022-2022 йил | 0,560 | | | | | 126 579,177 | 119 503,978 | 0,560 | 119 503,978 | | | | | 7 075,199 | 3 943,631 | 3 131,568 | | | | Танлов асосида |
| 6 | Зиёкор кўчаси | 2022-2022 йил | 1,350 | | | | | 17 167,758 | | | | | | 1,350 | | 17 167,758 | | 17 167,758 | | | | Танлов асосида |
| 7 | Ёшлик кўчаси | 2022-2022 йил | 0,425 | | | | | 96 619,265 | 90 970,729 | 0,425 | 90 970,729 | | | | | 5 648,536 | 3 002,034 | 2 646,502 | | | | Танлов асосида |
| 8 | Ёшлик 1-2 кўчаси | 2022-2022 йил | 0,490 | | | | | 111 823,712 | 105 451,154 | 0,490 | 105 451,154 | | | | | 6 372,558 | 3 479,888 | 2 892,670 | | | | Танлов асосида |
| 9 | Нонвойлар кўчаси | 2022-2022 йил | 0,440 | | | | | 210 060,600 | 199 010,095 | | | 0,440 | 199 010,095 | | | 11 050,505 | 6 567,333 | 4 483,172 | | | | Танлов асосида |
| 10 | Бинафша кўчаси | 2022-2022 йил | 0,360 | | | | | 82 014,169 | 77 061,113 | 0,360 | 77 061,113 | | | | | 4 953,056 | 2 543,017 | 2 410,039 | | | | Танлов асосида |
| 11 | Бинафша-1 кўчаси | 2022-2022 йил | 0,380 | | | | | 85 844,353 | 80 708,908 | 0,380 | 80 708,908 | | | | | 5 135,445 | 2 663,394 | 2 472,051 | | | | Танлов асосида |
| 12 | Нихол кўчаси | 2022-2022 йил | 0,640 | | | | | 144 269,337 | 136 351,749 | 0,640 | 136 351,749 | | | | | 7 917,588 | 4 499,608 | 3 417,980 | | | | Танлов асосида |
| 13 | Анҳор-2 кўчаси | 2022-2022 йил | 0,350 | | | | | 79 875,666 | 75 024,443 | 0,350 | 75 024,443 | | | | | 4 851,223 | 2 475,807 | 2 375,416 | | | | Танлов асосида |
| 14 | Нурчи берк кўчаси | 2022-2022 йил | 0,340 | | | | | 162 370,176 | 153 590,644 | | | 0,340 | 153 590,644 | | | 8 779,532 | 5 068,491 | 3 711,041 | | | | Танлов асосида |
| 15 | Темир йўл кўчаси | 2022-2022 йил | 0,410 | | | | | 91 623,034 | 86 212,413 | 0,410 | 86 212,413 | | | | | 5 410,621 | 2 845,010 | 2 565,611 | | | | Танлов асосида |
| 16 | Донгдор кўчаси | 2022-2022 йил | 0,330 | | | | | 146 521,895 | 138 497,043 | | | 0,330 | 138 497,043 | | | 8 024,852 | 4 570,402 | 3 454,450 | | | | Танлов асосида |
| 17 | Донгдор-1 кўчаси | 2022-2022 йил | 0,092 | | | | | 45 347,252 | 42 140,240 | | | 0,092 | 42 140,240 | | | 3 207,012 | 1 390,628 | 1 816,384 | | | | Танлов асосида |
| 18 | Улкансой кўчаси | 2022-2022 йил | 0,145 | | | | | 67 728,853 | 63 456,050 | | | 0,145 | 63 456,050 | | | 4 272,803 | 2 094,050 | 2 178,753 | | | | Танлов асосида |
| 19 | Камолот кўчаси | 2022-2022 йил | 0,430 | | | | | 205 464,242 | 194 632,612 | | | 0,430 | 194 632,612 | | | 10 831,630 | 6 422,876 | 4 408,754 | | | | Танлов асосида |
| 20 | Темир йўл-1 кўчаси | 2022-2022 йил | 0,790 | | | | | 236 872,176 | 224 544,929 | | | 0,790 | 224 544,929 | | | 12 327,247 | 7 409,983 | 4 917,264 | | | | Танлов асосида |
| **20** | **Тажрибакор МФЙ бўйича жами:** | | **8,876** | | | | | **2 217 727,897** | **2 075 866,797** | **4,959** | **1 059 995,184** | **2,567** | **1 015 871,613** | **1,350** | **0,000** | **141 861,100** | **68 503,605** | **73 357,495** | | | | |
| | **Бўставут МФЙ** | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 1 | Ижодкор кўчаси | 2022-2022 йил | 1,440 | | | | | 5 410,532 | | 1,440 | | | | | | 5 410,532 | | 5 410,532 | | | | Танлов асосида |
| **1** | **Бўставут МФЙ бўйича жами:** | | **1,440** | | | | | **5 410,532** | **0,000** | **1,440** | **0,000** | **0,000** | | **0,000** | | **5 410,532** | **0,000** | **5 410,532** | | | | |
| | **Сохил МФЙ** | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 1 | Миршикор кўчаси | 2022-2022 йил | 1,259 | | | | | 17 289,268 | | | | | | 1,259 | | 17 289,268 | | 17 289,268 | | | | Танлов асосида |
| 2 | Буюк турон кўчаси | 2022-2022 йил | 0,951 | | | | | 13 520,851 | | | | | | 0,951 | | 13 520,851 | | 13 520,851 | | | | Танлов асосида |
| **2** | **Сохил МФЙ бўйича жами:** | | **2,210** | | | | | **30 810,119** | **0,000** | **0,000** | | **0,000** | | **2,210** | **0,000** | **30 810,119** | **0,000** | **30 810,119** | | | | |
| | **Фурқат МФЙ** | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 1 | Чавондоз кўчаси | 2022-2022 йил | 4,237 | | | | | 16 520,520 | | 4,237 | | | | | | 16 520,520 | | 16 520,520 | | | | Танлов асосида |
| **1** | **Фурқат МФЙ бўйича жами:** | | **4,237** | | | | | **16 520,520** | **0,000** | **4,237** | **0,000** | | | | | **16 520,520** | **0,000** | **16 520,520** | | | | |
| | **Чортоқ МФЙ** | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 1 | Фурқат кўчаси | 2022-2022 йил | 0,784 | | | | | 2 251,945 | | 0,784 | | | | | | 2 251,945 | | 2 251,945 | | | | Танлов асосида |
| 2 | Сохилобод кўчаси | 2022-2022 йил | 0,800 | | | | | 2 297,331 | | 0,800 | | | | | | 2 297,331 | | 2 297,331 | | | | Танлов асосида |
| 3 | Истиқлол кўчаси | 2022-2022 йил | 0,953 | | | | | 2 738,135 | | 0,953 | | | | | | 2 738,135 | | 2 738,135 | | | | Танлов асосида |
| **3** | **Чортоқ МФЙ бўйича жами:** | | **2,537** | | | | | **7 287,411** | **0,000** | **2,537** | **0,000** | | | | | **7 287,411** | **0,000** | **7 287,411** | | | | |
| | **Дўстлик МФЙ** | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 1 | Сайхун кўчаси | 2022-2022 йил | 0,335 | | | | | 166 200,753 | 157 238,813 | | | 0,335 | 157 238,813 | | | 8 961,940 | 5 188,880 | 3 773,060 | | | | Танлов асосида |

